

## Волейбол мусобақасида

Биз спортни инсоннинг жисмонан соғлом ҳамда бақувват бўлиши учун энг мақбул йўл десак, адашмаган бўламиз. Юртимизда спортга катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик тез дунёга танита олмайди” - деган сўзлари ҳозирги кунда ўз исботини кўрсатмоқда.

Талаба ёшларни спортга қизиқишини кучайтириш ҳамда “Соғлом турмуш тарзига спорт билан бир қадам” шиори остида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 1-март санасидан 3-мартга қадар талаба қизлар ўртасида спортнинг “ВОЛЕЙБОЛ” тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада институтимизда мавжуд барча факультетлардан саралаб олинган, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Бошланғич ташкилотининг институт терма жамоалари иштирок этишиди. Мусобақа ҳаяжонли ва эсда қоларли онларга бой бўлди. Яқуний натижаларга кўра:

“Иқтисодиёт ва менежмент” факультети 3-ўринни,

“Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети 2-ўринни эгаллашган бўлса,

“Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультетининг талаба қизларига эса олий 1-ўрин ва мусобақа кубоги насиб қилди.

Мусобақада барча жамоалар ўзларининг бор куч-ғайратларини ишга солган ҳолда, муносиб иштирок этишдилар. Айниқса, мусобақанинг ФИНАЛ босқичи эсда қоларли лаҳзаларга бой бўлди.

“Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” ва “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультетлари ўртасида бўлиб ўтган финал баҳсида, иккала факультет жамоалари ҳам жуда яхши тайёргарликка эга эканликларини исботладилар.

Қизикарли беллашув “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультети қизлари жамоасининг ғалабаси билан якунланди. Мусобақа кўтаринки кайфиятда ўз якунига етди. Мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларни чин юракдан ТАБРИКЛАЙМИЗ !!!

Шу ўринда мусобақани ташкил қилиш ва ўтказишда яқиндан ёрдам берганликлари учун “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи институт Бошланғич ташкилотига”, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Касаба уюшмаси қўмитасига, институт “Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Қодиржон Шавазовга ва “Жисмоний маданият ва спорт” кафедрасига ўз миннатдорчилик билдирилди.



**Институт ёшлар иттифоқи медиа гурӯҳ сардори У.Манзирбоев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**